УДК: 01.13.15

ОИЛА ВА ЖИНСЛАР ДИМОРФИЗМИ

(Биосоциофизиологик таҳлил)

Р.Т. Зоҳиров

Мақолада оила институтининг шаклланишига таъсир этувчи ижтимоий-демографик омиллар, уларнинг аёл, эркак ҳаётидаги ўрни, бола туғиш истаги ва серфарзандлилик масалалари муҳокама қилиниб, ижтимоий-демографик вазиятнинг жамият ва давлат сиёсати билан боғлиқлиги очиб берилган. Жинслар ўзининг биофизиологик функцияларига кўра турли вазифаларни бажариши, ушбу вазифаларни, улардаги белгиларни етарли билмасликнинг оилавий муносабатларга таъсири тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: *оила, жинс, диморфизм, аёл ва эркак, фарзанд, босқичлар, таҳлил.*

В статье рассматриваются социально-демографические факторы, влияющие на формирование института семьи, их роль в жизни женщин и мужчин, желание иметь детей, проблема многодетности, связь социально-демографической ситуации с обществом государственной политикой. Вқявлено, что полы выполняют разные задачи в соответствии со своими биофизиологическими функциями, и что недостаточное знание этих задач и их признаков отрицательно сказывается на семейных отношениях.

Ключевые слова: *семья, пол, диморфизм, женский и мужской пол, ребенок, этапы, анализ.*

Кириш

Оила, аввало, икки жинснинг ихтиёрий тарзда биргаликда яшашга қилган аҳдларининг ифодасидир. Бу жинсий диморфизмнинг йўқ бўлиб кетганини кўрсатмайди, балки, аксинча, аёл ва эркак турли жинслар сифатида иттифоқ яшашга интилишларини билдиради. Уларнинг бу истаги биоантропологик ривожланишнинг маҳсулидир. Муаммога оид қарашларга асосланиб, фалсафа фанлари доктори, профессор В.Алимасов ёзади: “...миллион йиллар давомида эркак овчилик, аёл ўчоқни асраш билан шуғулланиб келган. Бу турни асраб қолиш имкони эди, аёл ва эркак ушбу заруриятни инстинктив сезган. Натижада эркак фаолияти ва ҳаёти оиласини зарур неъматлар, озиқ-овқатлар билан таъминлашга, аёл эса оилани боқиш, ўчоқни асрашга ихтисослашган. Ушбу дифференциация эркакни кўча, дала, қирда кезиб овчилик қилишга, аёлни эса оиласини тўйдириш, фарзандларининг соғ-саломат ўсишини таъминлашга ўргатган” [1. Б. 4].

Ижтимоий тенглик ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётган ҳозирги даврда жинслар диморфизмини ўрганиш аёл ва эркак ўртасидаги фарқларни бўрттириб кўрсатиш учун эмас, балки улар ўртасидаги дифференциациянинг моҳиятини англаш учун зарур. Табиатан аёл ва эркак бир тур, аммо икки жинс эканини биз биламиз, аммо ушбу фарқларнинг оилавий ҳаётда қандай амал қилишини, уларга қандай муносабатда бўлишимиз кераклигини билмаймиз. Бизнинг гендер тенглик ҳақидаги билимларимиз қанчалик оз бўлса, жинслар диморфизми ва унинг оилавий ҳаётга таъсири ҳақидаги билимларимиз ҳам шунчалик камдир. Оилавий ҳаётни асраш, аёл ва эркакнинг бир-бирини тушуниб, аҳил яшаши диформизмнинг хусусиятларини, унинг шахс хатти-ҳаракатларида, характери ва бошқаларга муносабатларида қандай акс этишини билишни тақозо қилади. Бунинг учун шахс психологиясини ва характерология қонунларини билиш етарли эмас, уларнинг келиб чиқиш манбаи бўлган жинслар диморфизмини билиш ҳам талаб қилинади.

Материал ва методлар

Нима учун аёл ва эркак бир хил ташқи таъсирга турлича муносабат билдиради ва ўзларини ҳар хил тутади? Аёл ва эркак хатти-ҳаракатларидаги ҳар хиллик, бир хил ташқи таъсирга турлича муносабат билдириш фақат психоэмоционал ҳодисами ёки ундан ташқари

уларни турлича ҳаракатларга ундовчи, бошқа социофизиологик сабаблар ҳам борми? Социофизиологик ривожланиш ушбу ҳодисаларнинг юзага келишига қандай таъсир этган? Нима учун илм-фан, шунчалик тараққий этганига қарамай, инсон хатти-ҳаракатларини рационал бошқаришга ёрдам берувчи ички механизмларни топа олмади, топганлари эса етарли самара бермаяпти?

Ушбу саволларни ўрганиш мақсадида биз жинслар диморфизмининг айрим, тадқиқотимиз мақсадига мувофиқ келадиган, биосоциофизиологик масалаларини таҳлил қиламиз. Бу ўринда биз биологик ва социологик омилларни уйғун қараймиз, шунинг учун таҳлилимиз биосоциологик хусусиятга эга.

Натижалар ва муҳокама

Бир нарсани алоҳида таъкидлаш зарур. Ҳозирги кунда республикамизда 8 млн. 240 мингдан ортиқ оила истиқомат қилади. Оилавий низолар ва ажралишларнинг сабабларини ўрганиш шуни кўрсатадики, улар асосан (75% гача) аёл ва эркакнинг бир-бирини тушунмаслигидан, “характерларимиз тўғри келмади”дан келиб чиқади. Бир қарашда ёшларга оилавий психологияга оид билимларни бериш мавжуд муаммони ҳал қиладигандек кўринади, шу мақсадда жойларда оилавий психологлар, психологик ёрдам марказлари, оила институтини қўллаб-қувватловчи ижтимоий институтлар ишлаяпти, лекин низолар ва ажралишларни камайтириш имкони деярли бўлмаяпти.

Масалан, ажралишларни камайтириш мақсадида Хитойда турли тўсиқлар ўйлаб топилган, ҳатто судлар ажралишни тақиқлаш ҳақида ҳукм чиқариши мумкин, шунга қарамай, никоҳларнинг деярли 47–48 %и бекор қилинади. Ўрта Осиё республикаларида ҳам шундай бюрократик тўсиқлар мавжуд бўлсада, расмий маълумотларга кўра, ажралишлар йилдан йилга 11–13 % га ошиб бормоқда. Норасмий маълумотлар эса бундан ҳам ортиқ кўрсаткичлар беради. Гўёки оилавий ҳаётга қандайдир хатолик ва англаш қийин, моҳиятан деструктив куч аралашаётгандек.

Демак, мазкур деструктив ҳодисалар фақат психоэмоционал омиллар таъсири эмас, балки улар, бизнинг фикримизча, ушбу омиллар негизидаги жинслар диморфизмидадир. Биосоциофизиологик таҳлил ва оила институтининг ўзагини ташкил этувчи эр (эркак, йигит) ва хотин (аёл, қиз)нинг ўзи бизни жинслар диморфизмига мурожаат этишга ундайди.

“Диморфизм” юнончада “икки шакл”, “икки тузилиш” деган маъноларни англатади. Жинслар бир турнинг икки шакли, икки шаклда кўринишидир. Аёл ва эркак бир турга оид мавжудотлар, аммо улар ўртасида нафақат физиологик, шунингдек, меҳнатга, борлиққа ва ижтимоий функцияларига ёндашувларда маълум бир фарқлар мавжуд. Бу фарқлар аввало социофизиологик жиҳатларда намоён бўлади.

Тиббий ва социофизиологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, аёл билан эркак ўртасидаги фарқлар улар ўртасидаги жинсий дифференциация эволюцион ривожланиш босқичларида қарор топган, этноанъаналар ва этнотажрибалардан муқим жой олган. Ушбу дифференциацияни тан олмаслик ёки уларни англашга етарли эътибор бермаслик жинслар ўртасида зиддиятларга сабаб бўлади.

Маълумки, ”аёлларда ташқи ва ички жинсий аъзолар фарқ қилинади: ташқи жинсий аъзоларига қов, катта ва кичик жинсий лаблар, клитор, қин даҳлизи ҳамда бартолин безлари, шунингдек, ички жинсий аъзоларига қин, бачадон, унинг найлари (тухум йўллари) ва тухумдон киради. Ташқи ва ички жинсий аъзолар ўртасидаги чегара қизлик пардаси билан тўсилган бўлади. Эркаклар жинсий аъзолари ҳам, ўз навбатида, ички ҳамда ташқи жинсий аъзоларга бўлиниб, ички жинсий аъзоларга мояклар ва уларнинг ортиғи, уруғ чиқариш йўллари, уруғ пуфакчалари, простата бези ва Купер безлари киради. Ташқи жинсий аъзолари эркак олати (закар) ва ёрғоқдан иборат” [2. Б. 26]. Гап шундаки, аёл ва эркакни бир-бирига мойил қиладиган ва эрекцион ҳолатга келтирадиган ушбу ташқи ва ички аъзоларнинг етарли даражада ўз функцияларини бажаришга тайёрлиги, бу тайёрлик сирларидан хабардорлик, ҳис қилиш, англаш икки жинсни аҳил қилади.

З.Фрейднинг либидо назарияси сексуализмга қурилган, аммо у жинсларга хос социофизиологик дифференциацияни назарга олмайди. Натижада жинслар ўртасидаги барча алоқалар интимга бориб тақалади, лекин ушбу интим алоқаларнинг жинсларга кайфият,

қониқиш беришини таъминлайдиган социофизиологик ўзига хосликлар, яъни жинслар диморфизми эътибордан четда қолиб кетади. Оила психологияси, тиббий ва биосоциофизиологик тадқиқотларда асосий эътибор хотин-қизлар биофизиологик тузилишига, улардаги ички сирлардан хабардор бўлишга қаратилади. Бунга жамиятда қарор топган “аёл нозик мавжудот”, “аёл организми эҳтиёткорликни тақозо этади” деган тасаввурлар сабабчи, аслида ҳар икки жинснинг ҳам организми эҳтиёткорона ёндашувни тақозо этади. Жамиятдаги гуманистик феминизм аёл зотини улуғлашга, уни севиш ва ардоқлашга ундаши билан эътиборлидир. Айнан шунинг учун ҳам хотин-қизлар социофизиологик хусусиятларининг шаклланишига таъсир этувчи биофизиологик жиҳатларни билиш зарур, бу эса “оила боши” бўлган эр (эркак)нинг ўзи учун ўта муҳимдир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, қиз боланинг биосоциофизиологик шаклланиш ва оналик функциясини бажаришга тайёрланиши беш босқични ўз ичига олади.

Биринчи босқич – қиз бола туғилганидан бошлаб то уч ёшгача бўлган давр. Дунёга келган гўдакни авайлаб-асраш онгли инсонга хос фазилатдир. Аёл ҳомиласини қорнида кўтариб юрар экан, табиат инъом этган биологик функциясини социал функциялари билан уйғунлаштиришга интилади, ўзини тайёрлайди. Ҳайвонларда ушбу инстинкт йўқ, улар социал функциялар нима эканини билмайди, табиий инстинктлари билан чекланади. Оиланинг социал функциялари ҳомиладор учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиб бериш, туғиладиган гўдакни тиббий кўриклардан ўтказиб, саломатлигидан хабар олиб туриш, зарур бўлса, тиббий ёрдамлар кўрсатиш, оилада яхши кайфият, маънавий муҳит яратиш орқали ҳомиланинг ривожланишига таъсир этиш каби этноанъаналарда намоён бўлади.

Оила аъзоларининг асосий диққати гўдакнинг соғ-саломат туғилишига ва аёлнинг соғ-саломат туғиб, енгиллашишига қаратилади. Мазкур социал функцияси туфайли оила гуманистик феминизм тарафдори бўлган институт сифатида намоён бўлади.

Иккинчи босқич уч ёшдан ўн ёшгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу даврда қиз болада дифференциал хусусиятлар пайдо бўлади. У кўпроқ онасига тақлид қила бошлайди, онаси айтган сўзларни, қўшиқ ва аллаларни эсида сақлайди, бешик тебратишни машқ қилади, ўйинчоқларини безатишга, кийинтиришга ўрганади, уларни ухлатади, алла айтади. Хуллас, онасидан ўрганган хислатларни такрорлаш қиз боланинг дифференциал хусусиятидир. Шунинг учун ҳам, “Онасини кўриб қизини ол”, дейилади халқ мақолида.

Америкалик тадқиқотчилар Аллан ва Барбара Пизнинг таъкидлашича, агар ўғил ва қиз бола кимсасиз оролга тушиб қолганида ўғил бола овчилик, уй қуриш каби жисмоний меҳнатни тақозо этадиган, қизча эса қўғирчоғини кийинтириш, ясантириш ва унга аллалар айтиб ухлатиш билан банд бўларди, деган фикрни билдиришади [3. Б. 23–25].

Демак, уч ёшдан ўн ёшгача бўлган давр қиз боланинг социал ролларни эгаллаш ва этноанъаналарни бажаришга киришиш, шу тарзда ўзида дифференциал хусусиятларни шакллантириш босқичидир. Агар биринчи босқичда қиз бола ён-атрофни англашга, унга мослашишга ва оила аъзоларини танишга, шу асосда ўзидаги психофизиологик имкониятларни ҳаракатга келтириш, ҳатто ўзининг онтологик мустақиллигини ҳимоя қилишни ўрганса, иккинчи босқичда социал функцияларини бажаришга, социал роллар ва этноанъаналарни эгаллашга ўтади. Онага тақлид қилиш аниқ кўриниш беради ва у социал норма, одатий ҳол, диахрон алоқалар сифатида идрок этилади.

Учинчи босқич қиз боланинг жинсий етуклик даври билан боғлиқдир. Биофизиологик тадқиқотлардан маълумки, қиз бола ўғил болаларга нисбатан эртароқ жинсий етуклик босқичига киради. Бу даврда қиз боланинг жинсларга бўлган қизиқиши оша бошлайди, нафақат ўзининг, шу билан бирга, ўғил боланинг фарқли жиҳатларини билгиси келади.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, ўсмирлик даврида ёшлар организмида психофизиологик ўзгаришлар кузатилади, бу ўзгаришлар асосан организмдаги ички секреция безлари ишининг фаоллашуви билан боғлиқдир. Ёшларда “жинсий етилиш жараёни 10-17 ёшлар орасидаги даврни ўз ичига олади ва бу даврда улар организмида жисмоний, руҳий ва ахлоқий ўзига хос ўзгаришлар содир бўлади. Ўсмир тез ўсади, бу унга ҳаддан ташқари тез ўсгандай туюлади, сут безлари катталашади... Қизларда балоғатга етиш ҳар ойлик ҳайз цикли билан намоён бўлади. Бу даврда қизлар гигиена қоидаларига амал қилиб, жинсий аъзоларни доимо тоза сақлашга эътиборли бўлишлари лозим. Ҳайз кўриш даврида ички

кийимларни тез-тез алмаштириб туриш, зўриқтирадиган оғир жисмоний иш қилмаслик, сакраш, югуриш, рақсга тушиш, от, велосипед миниш, сув ҳавзалари (бассейн)да сузиш мумкин эмас" [4. Б. 6–7].

Учинчи давр охирларига келиб, яъни 15–17 ёшларда қиз болалар морфофизиологик жиҳатдан такомилга кира бошлайди. Уларнинг бош мияси, скелети, мускуллари, ички секреция безлари жинсий ҳаётга тайёргарлик кўради. Натижада бу босқичда қиз болада жисмоний ҳаётга киришга тайёргарлик, ўзида оналик ҳақидаги фикрларни шакллантириш бошланади. Бу босқичда этноанъаналар ва этнотажрибаларга эргашиш фаол кечади.

Тўртинчи босқич балоғат ёшига кириш билан изоҳланади. Бу давр қиз болада психофизиологик жиҳатдан фарзанд кўриш иштиёқининг шаклланишидан иборат. Қиз бола севган кишисидан, йигитидан фарзанд кўришни истайди, шу боис у кўпроқ жинсий яқинлик, туғиш жараёнлари ҳақида билишга интилади, бу борадаги гап сўзларга, маслаҳатларга қулоқ солади, ўзини психофизиологик нуқтаи назардан она бўлишга тайёрлайди. Шунингдек, Р.Арзиқуловнинг ёзишича, "бу даврда қиз болада ўзи яхши кўрган йигит билан муносабатларида пайдо бўладиган келишмовчиликлар туфайли бола туғишга нисбатан салбий муносабат ҳам шаклланиши мумкин. айрим ҳолларда унинг учун ҳаёт мазмуни йўқолиб, носоғлом турмуш тарзида яшашга (тамаки чекиш, спиртли ичимликлар ичиш ва ҳ.к.) кириб қолиши ҳам мумкин. Бундай ҳоллар нафақат оила учун, балки жамият учун ҳам катта йўқотиш ҳисобланади" [2. Б. 44].

Тўртинчи босқичда қиз бола психикаси ва бошқа жинсга бўлган қарашларида кескин ўзгариш рўй беради. У жинсий етуклик нима, йигит билан учрашув қандай натижаларга олиб келади, бундан ота-она қандай хабардор бўлиши зарур, турмуш қуришнинг тартиблари қандай, қарши жинс билан қандай яқинликка бормаслик керак, катталарнинг режалари қандай кабилар ҳақида бош қотиради ва уларга жавоб излайди. У севиш ва севилиш сирларини суриштиради, бўлғуси жуфтини хаёлан тасаввур қилади, унинг образини яратади. Баъзан йигитларнинг ҳар бир илиқ муносабати, мулозамати ва жилмайиши унга дил изҳори туюлиши мумкин.

Хуллас, тўртинчи босқичда қиз ўзига жуфт қидиришдан ҳам маънавий, ҳам руҳий қувват олади. Эр-хотин бўлиб яшаш сирларини ўзи учун кашф этади, идеалидаги жуфтини, йигитни излашда давом этади. Агар бу идеалини тополмаса, руҳан эзилади, тушкунликка тушади [5. Б. 86].

Бу пайтда қизлар организмида ҳам ўзгаришлар содир бўлади. Танаси, айниқса, кўкраги, лаби, бўйни атрофлари йигитлар яқинлашишидан ҳам сергак тортади, ҳам хуш ёқади. Психоэмоционал кечинмаларга ўта мойил қизлар бир оз ёқадиган йигит билан қўшилганини англамай қолиши ҳам учрайди. Бундай ҳолларнинг содир бўлмаслиги учун она, опа ва бошқа катталар қизчани мудом огоҳлантириб туриши даркор. Энг муҳими қиз бола ўз организмида рўй бераётган ўзгаришлардан хабардор бўлиб, уларни саломатлиги учун зарур чоралар кўникмасини ўзида шакллантириши зарур. Шунинг учун ҳам бу босқични қиз боланинг жинслар диморфизми ҳақидаги билимлари етарли шаклланган ва жинсий ҳаётга тайёрланиш даври дейиш мумкин.

Бешинчи босқич, турмушга чиқиш ва ҳомиладорлик давридир. Бунда қиз, энди аёл ўйтасаввуридаги моделларни реал оилавий ҳаётга таққослаш имконига эга бўлади. Идеал модель билан реал модель таққосланганида кейингиси устун келади ва у илгариги ўйтасаввурларни мутлақ ўзгартириб юбориши мумкин. Лекин идеал модель қиз боланинг нафақат руҳиятига, шунингдек, биосоциофизиологик ҳолатига ҳам таъсир этишини унутолмаймиз.

Махсус тадқиқотлар натижалари кўрсатадики, қиз бола вояга етган сари организмидаги диморфистик фарқларни "юқори эмоционал" ва "гиперэгоистик" тарзда баҳолаши мумкин. Унинг психофизиологик ҳолатини тушунмаслик ёки нообъектив баҳолаш турли низоларга сабаб бўлади [6. Б. 101; 7; 8].

Шунинг учун жинслар ўртасидаги диморфистик фарқлар ҳақида аниқ тасаввурларга эга бўлмай оила қуриш, эркак томонидан аёлни заифликда айблашга сабаб бўлади. Бундай муносабат антик даврдан бери давом этиб келади. Масалан, фалсафанинг асосчиси Фалес, "ҳайвон эмас одам, аёл эмас эркак, варвар эмас эллин бўлиб туғилгани"дан фахрланган. Платон ва Аристотель аёлни ақли заиф, жасоратга қодир бўлмайдиган мавжудот, деб билишган. Сенека, М.Аврелий, Э.Роттердамский, Н.Макиавелли, Ф.Бэкон, Б.Спиноза, И.Кант, А.Шопенгауэр, Ф.Ницше, В.Соловьев ва Н.Бердяев ҳам аёл имконият-

лари ҳақида ижобий фикрда бўлишмаган. Маълум бир маънода, уларни аёлларни камситишда айблаш мумкин.

Улар яшаган пайтда аёллар эрки, гендер тенглик масалалари кун тартибига қўйилмаган, эркаклар ижтимоий муаммоларни ўз билганларича ҳал этиб келишган. Баъзан у ёки бу аёл, айниқса, шоҳлар хотинлари давлат бошқарувида етакчи ўринда турган, ҳукмдорлар улар билан маслаҳатлашиб иш юритишган, юртни бошқарган, деган фикрлар билдирилади.

Бу борада ривоятона мисоллар ҳам келтиришади. Ҳатто Клеопатра ва Екатерина II каби аёллар давлатни бошқаришган бўлишса-да, уларни эса фаворитлари бўлган эркаклар етаклаб юрган. Демак, цивилизациялар ва давлатларни бошқариш тарихи асосан эркаклар тарихидир.

XIX–XX аср аёллар ҳақидаги тасаввурларга тузатишлар киритди. Жинслар диморфизми ҳақидаги таълимотларнинг пайдо бўлиши билан гендер тенглик, аёлларнинг сиёсий эркинлиги масаласи кун тартибига чиқди. Бунда буржуазия либерал демократик ғоялари эмас, балки марксизм ва феминистларнинг ўрни катта бўлди.

Тафаккур тарихида биринчи бўлиб Ф.Энгельс аёл эксплуатация объекти бўлиб келгани, буржуазия тарғиб этадиган эркинлик аёлни товарга айлантиргани ҳақидаги қарашларни баён этди [9. Б. 66]. Унинг фикрлари баъзи жиҳатдан америкалик этнограф Л.Морган кузатишлари натижаларига асосланган бўлиб, "Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши" деб номланган асари муҳим илмий, фалсафий манба, тадқиқот бўлиб қолмоқда.

Хотин-қизлар сиёсий эркинлигининг долзарблашуви ўз навбатида жинслар дифференциациясига бўлган қизиқишни кучайтирди. Қизиқарли ҳол шундаки, либидо назариясини ҳар томонлама асослашга интилган З.Фрейд ва К.Юнг жинслар диформизмини четлаб ўтадилар. Уларни аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари эмас, балки сексуал майллари қизиқтирган. Улар бу майлларнинг биосоциофизиологик аҳамиятини, оилавий муносабатларга таъсирини ҳам қайд этиб, бу борада тавсиялар ишлаб чиқиш имкониятларига эга эдилар. Машҳур психоаналитиклар либидо, сексуаллик масалаларига берилиб, улар ортида турган оила институтининг эҳтиёжларини кўрмайдилар. Тўғри, улар оила институти ёки жинслар диформизмини ўрганмаганлар, аммо либидо ва сексуаллик оила институти орқали таҳлил қилинганида психоанализ кўпроқ ижтимоий амалий аҳамият касб этган бўларди. Биосоциофизиологик қарашларнинг шаклланишини, бетакрор илмий назарий ва экспериментал изланишларни бошлаб берган бўлардилар.

Жинслар диморфизми хотин-қизлардаги биофизиологик ўзига хосликларни ўрганиш билан чекланмайди, жинслар бир-бирининг жинсий дималмистик хусусиятлари билганида бир-бирини англаш ва объектив, биосоциофизиологик баҳолаш шаклланади. Яъни хотин-қизлар ҳам эркаклар жинсий диморфизмини, биофизиологик хусусиятларини билиши лозим. Минг афсуски, бу борада илмий, ижтимоий-фалсафий адабиётларда ҳеч нима дейилмайди. Фақат спорт психологияси ва методикасига оид айрим тавсиялар учрайди [10. Б. 61–62]. Уларга таяниб, эркаклар жинсий диморфизми босқичларини тўртга ажратишимиз мумкин.

Биринчи босқич 5-6 ёшгача бўлган даврни ўзи ичига олади. Бу босқичнинг илк йилларида ўғил бола нимаси билан қиз боладан фарқланишини ҳали аниқ билмайди. Агар буни катталар атайин эсига солмаса, шакллантирмаса, у жинсий фарқланишига деярли эътибор бермайди. Бироқ 2-3 ёшларида унинг қизиқиши чаққонлик, куч ишлатиш, талашишни тақозо этадиган машқларга қаратилаётгани кузатилади [3. Б. 11–23].

У қиз боланинг қўғирчоғини тортиб олишга, унга тегажоғлик қилиб, кучини кўрсатишга интилади. Бу босқичда ўғил бола организмидаги психофизиологик ўзгаришлар отага тақлид остидан рўй беради. У онадан кўра ота томон ён босади, ота авторитетини эъзозлайди, ўзини ҳимоя қилса, дарров отаси пинжига киради, отасининг сўзлари ва қилиқларини такрорлайди. У эркакчасига сўкишга, дўқ кўришга, муштини тугиб, пўписа қилишга ўрганади. У жаҳли чиққанида қиз болага ўхшаб кўз ёши тўкмайди, отаси орқали ўч олишга интилади. Кўпроқ ўғил болалар билан ўйнашга, тортишишга мойиллик билдиради. 3-5 ёшларида унда онадан кўра отага ён босиш, унинг айтганларини бажариш устувор хислатга айлана бошлайди. 5-6 ёшга етгач, бу хислат эркакона кўринишга ўтади.

Иккинчи босқич ўсмирлик ва ўспиринлик давридир. У тахминан 17 ёшгача бўлган давр (ўқувчилик даври)дан иборат. Педагогик

тадқиқотларда уни бошланғич мактаб ёши (1-4 синфлар) ва ўрта мактаб ёши (5-8 синфлар) ва катта синф ёши (9-11 синфлар)га бўлишади. Бу даврда ўғил бола қизлардан фарқ қилишини аниқ билади, ўзини эркакона шаклланишга тайёрлай бошлайди. Атайин жисмоний куч талаб этадиган машқларни бажаради, чаққонликка урғу беради, гавдасини тик тутиб, этноанъаналарга эргашиб, кўпроқ отаси буюрадиган ишларни бажаришга интилади. У отаси ва унинг авторитети идеали эканини яширмайди, гоҳо онаси талабларини ошкора тан олмаслигини билдириши мумкин. У, жинсий диморфизми нуқтаи назардан, қиз боладан чаққонлиги, кучлилиги ва дадиллиги билан фарқ қилишини билади.

Агар мактабда спорт тўгарагига борса, чаққонлик ва куч оширадиган уюшмага қатнайди, қиз бола эса кўпроқ бичиш-тикиш, каштачилик, рақс, бадиий гимнастика, синхрон сувда сузиш каби нафосат ва назоратни тарбияловчи уюшмаларни танлайди. 17 ёшгача давом этадиган бу даврни мутахассис педагоглар "илк ёшлик" босқичи деб ҳам аташади. Жинсий деморфизм нуқтаи назаридан бу даврда ўғил бола қарши жинсдан ўзига жуфт танлаш пайига тушади. Олдинги босқичда ҳам бу борада уриниб кўрган бўлади, бироқ бу туйғусини билдиришга у ҳали журъат этмайди. Кўнглига яқин қиз болага мойиллик кўрсатган бўлса-да, унга "эгалик" қилишдан йироқ бўлади.

Илк ёшлик даврида у ўз нияти ва туйғуларини ошкор этишга, кимга уйланиши мумкинлигини очиқ билдиришга ўтади. Жисмоний нуқтаи назардан уйланишга, оила қуришга тайёрлигини билдиради. Тўғри, бу ҳали маънавий масъуллик ифодаси эмас. Шундай бўлса-да, бу даврда ўғил бола организми жинсий яқинлик учун тайёр бўлади. Ўғил бола кўпинча бу жинсий диморфистик белгини бўрттиришга интилади ва ўзини оила қуришга шай деб билади. Аммо реал ҳаёт, оилавий муносабатлар уларнинг ҳали етарли асосланган, рационал фикр эмаслигини кўрсатади. Масалан, ажралишларнинг ярмидан ошиғи 1-3 йил оила қуриб яшаганлар ичида содир бўлади. Бу ажралишларнинг асосий ташаббускорлари ёш эрлардир.

Иккинчи босқичнинг энг муҳим жиҳати ўғил болада оталик ҳиссининг шаклланишидир. Унинг ушбу социал жиҳати биофизиологик жиҳатларини безатади, унга гуманистик, ижтимоий йўналтирилганлик бахш этади. “Оталик ҳисси тўғри шаклланган эркак оиласининг фаровонлиги, моддий таъминоти, хотинига нисбатан илиқ муносабатда бўлиб, у ҳомиладорлик пайтида ҳам, туққандан сўнг ҳам ҳар тарафлама ёрдамлашиш ҳаракатида бўлади. Кейинчалик оилада ўсаётган фарзандларни тарбиялаш жараёнида эркакда оталик ҳисси тобора шаклланиб ва мустаҳкамланиб боради. Табиийки, бу ҳолат оиланинг мустаҳкамланишига, болалар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатмасдан қолмайди” [2. Б. 45–46].

Учинчи босқич оила қуриш ва эркаклик ҳиссини туйиш билан боғлиқдир. Бу босқичда ўғил бола, энди эр (эркак) хотини, оиласи учун масъул эканини ҳис қила бошлайди, оилавий муносабатлар фақат эр ва хотин ўртасидаги алоқалардангина иборат эмаслигини, улар анча кенг, этноанъаналар ва этнотажрибаларга бориб тақаладиган воқеликлар эканини англайди. Хотинининг саломатлиги, кийиниши, овқатланиши ва уйни саранжом-саришта тутишида ўзининг ҳиссаси катталигини кўради. Унда "оила бошлиғи", "оила боқувчиси" ҳисси шаклланади.

Ўғил болаларда жинсий диморфизм босқичлари қизларникига қараганда бир оз соддароқ. Уларнинг биосоциофизиологик ривожланиши "ваҳима"сиз, секинроқ кечади. Шунинг учун бўлса керак, эркаклар хотин-қизларни заифлик ва психоэмоционал кечинмаларга берилишда айблайдилар. “Аёлни англаш қийин” деган ибора шундан пайдо бўлган. Ҳатто улар хотин-қизларни гўзаллик, нафосат тимсоли сифатида улуғлаганларида ҳам оила учун муҳим вазифани ҳал этишни ўз зиммасига олишни маъқул кўрадилар. Буни фақат хотин-қизларни аяш деб билмаслик керак, у эркакларнинг аёл зотига ишонавермаслиги белгиси ҳамдир. Буни ўша муҳим вазифани бажариш пайтида эркакларда уйғонадиган шижоат, дадиллик ҳам тасдиқлайди.

Физиологик диморфизм ҳомиланинг уч ойлигидаёқ аён бўлади. Аммо ушбу белги ижтимоий фалсафанинг эмас, гинеко-физиологик ва эмбриологик тадқиқотлар мавзусидир. Шунинг учун биз юқоридаги босқичларни ажратганимизда, масалага жинсий деморфизмнинг жинслар томонидан идрок этилиши, англаниши, яъни биосоциофизиологик жараёнлар билан узвий қарадик. Биз учун жинсий диморфизмнинг ўзи эмас, балки унинг эр-хотин бир-бирини тушунишига, оилавий муносабатларга таъсири ҳамда биосоциофизиологик жиҳатларнинг уйғун келишини кузатиш муҳим эди.

Жинсий диморфизм жинслар ҳаётининг барча босқичларида ўзини намоён этади. Бироқ улар асосан оила қургунгача бўлган босқичларда шаклланади, кейинги даврларда эса у ёки бу элементлар билан тўлдирилади.

Жинсий диморфизм табиий-биофизиологик белгилар ифодасидир. Бироқ уларнинг ролини мутлақлаштирмаслик керак. Айниқса уларни тўғридан-тўғри социал ва оилавий муносабатларнинг негизига кўчирмаслик керак.

Хулоса

Жинсий диморфизм, объектив биофизиологик белги сифатида мавжуд. Бироқ инсонлар ўртасидаги, шу жумладан, оиладаги муносабатларнинг негизини жинсий диморфизмдан келтириб чиқармаслик лозим. Акс ҳолда биз фрейдизм ёки неофрейдизм тарафдорига айланамиз. Жинсий диморфизм ижтимоий воқелик синтези орқали баҳоланганида, яъни биосоциофизиологик жараёнлар сифатида англанганида оилавий муносабатларга хизмат қилади. Муҳим томони шундаки, биосоциофизиологик жиҳатлар, диморфизм этноанъаналар ва этнотажрибалардан ташқарида ёки уларга зид намоён бўлмайди, шахс онгли мавжудот сифатида биринчисини иккинчиси талабларига мувофиқлаштиришга интилади. У инстинктив тарзда оила институтини барқарор қилиб турган жиҳат этноанъаналар ва этнотажрибалар эканини сезади.

Адабиётлар:

1. *Алимасов В*. Гендер фалсафаси. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2008. – 140 б.
2. *Арзиқулов Р.* Репродуктив саломатлик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2010. – 210 б.
3. *Пиз А., Пиз Б*. Как заставить мужчину слушать, а женшину молчать. Почему ми такие разние, но так нужни друг другу. – Москва: Издательство ЭКСМО, 2009. – 350 с.
4. Аёллар муаммолари. / Тузувчи С.Темирова. – Тошкент: Adabiyot uchqunlari, 2017. – 67 б.
5. *Афанасьева Т*. Оила. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – 366 с.
6. *Ильин И.И*. Гендерная психология. – Санкт-Петербург: Питер, 2001. – 306 с.
7. *Хамитов С.Т.* Философия и психология пола. – Киев-Москва: Рипор, 2001. – 288 с.
8. *Иванов Н.Н.* Что раздражает мужчин в женшинах: секрети семейного счастья. – Ростов на Дону, “Феникс”, 2007. – 318 с.
9. *Энгельс Ф.* Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши. – Тошкент: Ўздавнашр, 1962. – 310 б.
10. *Дешбо А.Г.* Спортивная медицина и лечебнача физическая культура. – Москва: Физкультура и спорт, 1979. – 290 с.

FAMILY AND SEX DIMORPHISM
(Biosothiophysiological analysis)

R.T.Zohirov[1]

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 5 (65). 14-21.

[1]Andijan State University, Karshi State University Karshi, 180119, str., Ko‘chabog‘, 17 (Uzbekistan). E-mail: kardu@mail.ru

Keywords: family, gender, dimorphism, woman and man, child, stages, analysis.

The article discusses the socio-demographic factors affecting the formation of the family institution, their role in the life of women and men, the desire to have children and the issue of multiple children, the connection of the socio-demographic situation with society and state policy is revealed, and the issues of gender dimorphism and its role in family life are studied. It has been researched that the sexes perform different tasks according to their biophysiological functions, and insufficient knowledge of these tasks and their signs has a negative impact on family relationships.

In today's era, when social equality is widely supported, the study of gender dimorphism is necessary not to exaggerate the differences between men and women, but to understand the essence of differentia-

them. We know that by nature, woman and man are one species, but two sexes, but we do not know how these differences apply in family life, how we should treat them. The less we know about gender equality, the less we know about gender dimorphism and its impact on family life. Preserving family life and understanding and harmonious living of a man and a woman requires knowing the characteristics of dimorphism, how it is reflected in a person's behavior, character, and relationships with others. For this, it is not enough to know the psychology of the individual and the laws of characterology, it is necessary to know the dimorphism of the sexes, which is the source of their origin.

Sexual dimorphism shows itself in all life stages of the sexes. However, they are mainly formed in the stages before the formation of a family, and in later periods they are filled with one or another element.

Sexual dimorphism is an expression of natural-biophysiological signs. However, their role should not be absolute. Especially they should not be transferred directly to the basis of social and family relations.

Yes, sexual dimorphism exists as an objective bio-physiological sign, but the basis of relationships between people, including family, should not be derived from sexual dimorphism. Otherwise we become Freudians or neo-Freudianists. Sexual dimorphism serves family relations when it is evaluated through the synthesis of social realities, that is, when it is understood as biosociophysiological processes. The important thing is that bio-socio-physiological aspects, dimorphism do not appear outside or against ethno-traditions and ethno-experiences, the person, as a conscious being, tries to harmonize the first with the requirements of the second. He instinctively feels that ethno-traditions and ethno-experiences are what keep the institution of the family stable.

Referenses:

1. Alimasov, V. (2008) Gender falsafasi [Gender philosophy]. Tashkent: Falsafa va huquq.
2. Arzikulov, R. (2010) Reproduktiv salomatlik asoslari [Basics of Reproductive Health]. Tashkent: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi Davlat ilmiy nashriyoti.
3. Pease, A., Pease, B. (2006) Kak zastavit mujchinu slushat, a jenshinu molchat. Pochemu mi takie raznie, no tak nujni drug drugu [How to make a man listen and a woman be silent. Why are we so different, but we need each other so much]. Moscow: EKSMO.
4. Temirova, S. (ed.) (2017) Ayollar muammolari [Women's problems. Developer]. Tashkent: Adabiyot uch-qunlari.
5. Afanas'eva, T. (1982) Oila [Family]. Tashkent: O‘qituvchi.
6. Il'in I.I. (2001) Gendernaya psihologiya [Gender psychology]. Sankt-Peterburg: Piter.
7. Hamitov, S.T. (2001) Filosofiya i psihologiya pola [Philosophy and psychology of sex]. Kiev-Moscow: Ripor.
8. Ivanov, N.N. (2007) Chto razdrazhaet muzhchin v zhenshinah: sekreti semejnogo schast'ya [What annoys men in women: the secrets of family happiness]. Rostov na Donu: Feniks.
9. Engel's, F. (1962) Oila, xususiy mulk va davlatning kelib chiqishi [The origin of the family, private property and the state]. Tashkent: Uzdavnashr.
10. Deshbo, A.G. (1979) Sportivnaya medicina i lechebnachya fizicheskaya kul'tura [Sports medicine and therapeutic physical culture]. Moscow. Fizkul'tura i sport

Муаллиф тўғрисида маълумот:
ЗОҲИРОВ Рамиз Турдимуродович – фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). Қарши давлат университети Миллий ғоя, маънавият асослари кафедраси ўқитувчиси, fzohirov@mail.ru